Картошка нархлари шаклланиши бўйича дайжест

Марказий банк кузатувларига кўра чакана нарх, октябрь 2026 — **6 600** сўм/кг

Ҳамкор давлатларда чакана нархлар

октябрь, 2026 йил

Давлат	Нарх, сўм/кг	Ўтган ойга нисб., %	Ўтган йил октябрга нисб., %
Ўзбекистон	4 900	+12,1	−6,3
Россия	7 500	−1,9	+23,4
Қозоғистон	5 500	+3,4	+14,7
Қирғизистон	5 650	−0,8	−12,9
Покистон	2 200	−8,3	−39,7

Манба: Расмий статистика органларининг ҳафталик нарх кузатувлари маълумотлари

Нарх индекси ўзгариши (ИНИ) январь–октябрь



Улгуржи нархлар сўм/кг

Тури	Сентябрь	Октябрь
Маҳаллий, сариқ	4 000–4 500	4 400–5 200
Маҳаллий, қизил	4 500–5 000	4 500–5 200
Импорт, сариқ*	4 500–5 000	4 800–5 200

** Қозоғистон, Россия, Қирғизистон*

Ҳудудий нархлар 28 октябрь, сўм/кг

Энг қиммат

Миробод тумани, Тошкент шаҳри	6 550
Музробод тумани, Сурхондарё вилояти	6 300

Энг арзон

Бўка тумани, Тошкент вилояти	3 230
Бахмал тумани, Жиззах вилояти	3 520


Манба: Статистика қўмитаси маълумотлари асосидаги narxtahlil.uz платформаси

БОЗОР ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш

2025 йил	2026 йил январь–сентябрь	2026 йил прогнози
4,2 млн тн	3,6 млн тн	4,5 млн тн
+0,2%	+6,6%	+7,1%
Маҳаллий 84%, импорт 16%	Импорт 0,4 млн тн	Экин майдони 238 минг га

Етиштирувчилар улуши — 2026 йил, % да



Импорт минг тн

	Январь–октябрь	Октябрь
Истеъмол	472,3 −29,5% (2025 йил: 669,9)	31,8 −72,8% (2025 йил: 116,9)
Уруғлик	13,0 ×3,2 (2025 йил: 4,1)	97,6 тн (2025 йил: 0)

- Истеъмол картошка импортининг **65%** январь–март ойларида Уруғлик картошка импортининг **67%** апрель–июн ойларида
- Импорт улуши:
  Қозоғистон 2025 йил 38,1% дан → 2026 йил **80,8%** га (×1,5)
  Покистон 2025 йил 44,9% дан → 2026 йил **−88,5%** га.
- Уруғлик(январь–октябрь): **Нидерландия** - 81%, **Қозоғистон** - 16%.
- Истеъмол (октябрь): **Қозоғистон** - 66,1%, **Қирғизистон** - 25,7%.

Импорт концентрацияси 2026 йил январь–октябрь

Топ-5 корхона улуши	Импортёр корхоналар
79% +8 ф.б. (2025 йил: 71%)	82 та (2025 йил: 117 та)

Энг йириги 58%, қолган 4 таси 21% *(2025: 45% ва 26%)*.

Импорт географияси, 2026 *(2025)*



- Қозоғистон 81% *(28%)*
- Покистон 7% *(54%)*
- Бошқалар 12% *(18%)*

НАРХГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Чакана нархлар ўзгариши

- **Ўзбекистон:** импорт қисқариши, таннарх ошиши, захира ва таъминотдаги узилишлар;
- **Россия:** мавсумий йиғим → ойлик пасайиш; экин майдонлари қисқариши ва ялпи ҳосилнинг **−8,7%** қисқариши → йиллик ўсиш.
- **Қозоғистон:** йил бошида импорт ҳажми камайиши, юқори экспорт талаби, ишлаб чиқарувчи нархлари юқорилиги → йиллик ва ойлик ўсиш.
- **Қирғизистон, Покистон:** ҳосил таклифининг эҳтиёждан юқорилиги, қисман экспорт географиясидаги чекловлар → йиллик ва ойлик пасайиш.

Ички омиллар

- **Уруғлик:** сифат пастлиги (163 ц/га), элита уруғчилик хўжаликлари, махсус марказлар ва in vitro лабораториялари кам — натижада уруғлик импорти **3,2 баравар** ошди.
- **Азотли ўғитлар:** табиий газ, энергия харажати ва биржада талаб ортиши сабаб қимматлашмоқда.
- **Ҳимоя воситалари:** маҳаллий ишлаб чиқариш кам, импорт ва логистика қиммат.
- **Тарқоқ етиштириш:** ҳосилнинг 69% деҳқон ва томорқа хўжаликларида шаклланганлиги сабаб захиралаш, сақлаш ва логистикани қийинлаштиради.
- **Импорт битта йўналишдан** кириб, бошқа ҳудудларга тарқатилгани ҳудудий нарх фарқини юзага келтирмоқда.

Ташқи омиллар

- **Россия:** майдон 277,8 минг га (18 йилдаги энг паст), ҳосил 7,5 млн тн (**−11,5%**) — эҳтиёждан 0,5–1 млн тн кам. Октябрь ойида нарх **−1,9%** пасайган, лекин ноябрь–декабрда сақлаш ва логистика ҳисобига ўсиш кутилмоқда.
- **Европа:** Бельгияда қурғоқчилик сабаб экин майдонлари **−17%**, ҳосилдорлик **−25–30%** қисқарган; Франция ва Шарқий Европада ҳам ҳосил кам. Европада Миср картошкасига талаб ошиб, Россия импортни Хитой ва Марказий Осиёга қаратиши мумкин.
- **Қирғизистон:** ҳосил 1,25 млн тн (эҳтиёж ~800 минг тн), импорт 2027 йил 1 мартгача чекланган.

ХАТАРЛАР ВА ЧОРАЛАР

Хатарлар

- **Россия:** 1 октябргача 5,2 млн тн (**−10,8%**); январь–октябрда импорт **−38,2%**, экспорт **+78,1%**; улгуржи нарх **1,3 баравар** юқори шаклланиб, қиш–баҳорда Қозоғистон картошкасига талаб ошиши мумкин.
- **Қозоғистон:** ҳосил 3 млн тн гача ошса-да, мавсумда экспорт 584,1 минг тн дан 500 минг тн гача қисқариши кутилмоқда; экспорт Россияга йўналса, баҳорда Ўзбекистонга импорт камайиб, нарх ошиши мумкин.
- **Беларус:** картошка экспорти Россиядаги қатъий фитосанитар назорат тизими транзитни қийинлаштириши мумкин.
- **Тожикистон:** Қозоғистондан етказиш **~4 баравар** (54 минг тн) ошган, Ўзбекистонга **+52%** (349 минг тн) — ҳажм кичик бўлса-да талаб ошса, нархлар ҳам ошиши мумкин.

Кўрилаётган чоралар

Президентнинг ПҚ-269-сон қарори (08.09.2025)

- **Имтиёзли кредит** — ҳосил қийматининг 50% гача, 12% ставкада, 12 ойга суғурта полиси асосида(6 ой имтиёзли): **1 ноябрь** ҳолатига **157 млрд** (баҳорги) ва **53 млрд сўм** (кузги) ажратилган.
- **95 млрд сўм фоизсиз ссуда:** 80 млрд сўмига **6 минг тн** элита уруғ келтирилди; 2027 йилга камида 50 минг тн R1 навли уруғлар етиштирилади.
- **Суғоришда:** насослар учун қуёш панеллари ўрнатиш ва электр харажатининг 50% гача (50 млн сўмгача) қисми давлат томонидан қопланади.

Уруғчилик

- “**Булунғур-Агро Стар**”: 37,7 минг га ажратилиб, **44,7 минг га** экилди (**+19%**).
- “**Solana**” (Германия): грант асосида **40 тн 6** хил **янги нав** олиб келтирилиб, синов тариқасида экилган.
- **100 га** автоматлаштирилган **агротехнопарк** ишга тушган.
- Нидерландия билан **53 млрд сўмлик** мажмуа: 10 минг тн омбор (2 минг тн музлаткич), in vitro лаборатория, ўқув маркази.
- Мисрдан **250 минг дона** “**Hermes**” навли мини-туганаги экилиб, **10,1 минг тн** уруғлик олиниши натижасида ушбу уруғлик 2026–2028 йилларда **40 минг га** майдон экилиб, ундан **1,8 млн тн** ҳосил олиш режалаштирилган.

Хулоса: нарх ошишига асосан импортнинг қисқариши ва таннарх ўсиши сабаб бўлмоқда. Россия ва Европада ҳосилнинг камайиши қиш–баҳор мавсумида хатарни оширади.

Маълумот манбалари: Марказий банк, Миллий статистика қўмитаси, Божхона қўмитаси · 2026 йил ноябрь